

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 72 (3810).

Жума, 12 апрель 1968 йил.

Баҳоси 2 тийин.

БҲҲҲҲ-
КОСМОНАВТИКА
КҲҲҲ

Космос баҳодирларига
шон-шарафлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1968 йил 10 апрелда ўз ишнни давом эттирди.
КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Халқаро аҳволнинг энг муҳим проблемалари ҳақида ва КПССнинг жаҳон коммунистик ҳаракати жипслиги учун кураши тўғрисида»ги доклады юзасидан музокараларда Беларуссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. МАСХЕРОВ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари Л. С. КУЛИЧЕНКО, Красноярск ўлкасидаги Норильск кон-металлургия комбинатининг старший эритувчиси А. С. ШЕРЕМЕТОВ, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари З. Н. НУРИЕВ,

КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари К. Ф. КАТУШЕВ, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг директори П. Н. ФЕДОСЕЕВ, КПСС Воронеж область комитетининг биринчи секретари Н. М. МИРОШНИЧЕНКО, СССР Езувчилар союз правленисининг секретари Г. М. МАРКОВ, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. КЭБИН, СССР Мудофаа министри А. А. ГРЕЧКО, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. ПАВЛОВ, СССР Маданият министри Е. А. ФУРЦЕВА, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл, «Правда» газетасининг бош редактори М. В. ЗИМЯНИН ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети Пленуми муҳокама

қилинган масала юзасидан бир овоздан қарор қабул қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ сўзловни нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми ўртоқ К. Ф. КАТУШЕВНИ КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми Н. В. БАННИКОВ, Е. Ф. ЛОГИНОВ, С. Л. СОКОЛОВ, А. С. ШЕРЕМЕТОВ, Н. А. ШЧЕЛОКОВ ўртоқларни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан КПСС Марказий Комитети аъзолигига ўтказди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми шу билан ўз ишнни тамомлади.

ХАЛҚАРО АҲВОЛНИНГ АКТУАЛ ПРОБЛЕМАЛАРИ ВА КПССНИНГ ЖАҲОН КОММУНИСТИК ҲАРАКАТИ ЖИПСЛИГИ УЧУН КУРАШИ ТЎҒРИСИДА КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1968 йил 10 апрелда қабул қилган қарори

КПСС Марказий Комитети Пленуми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Халқаро аҳволнинг энг муҳим проблемалари ҳақида ва КПССнинг жаҳон коммунистик ҳаракати жипслиги учун кураши тўғрисида»ги докладыни тинглаб ва муҳокама этиб, қарор қилди:

Марказий Комитет Сийсий Бюросининг халқаро сийсат ва жаҳон коммунистик ҳаракати соҳасидаги сийсий йўли ва амалий фаолияти бутунлай ва гула маъқуллансин.
Пленум шуни қайд қиладики, КПСС XXIII съездида ишлаб чиқилган ҳамда Марказий Комитетининг 1966 йил декабрь ва 1967 йил июль Пленумлари қарорларида янада ривожлантирилган йўл изчиллик билан амалга оширилганлиги тўғрисида мамлакатимизнинг ташқи сийсий мамнеч тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди. Совет давлатининг ўсиб бораётган қудрати ва обрўини тинчлик ва соҳиқлам мамлакатларига, империализмнинг агрессия сийсатига қарши курашга тобора актив хизмат қилишда; қаршиги партиялар билан қилнган халқор бўлиб, халқаро коммунистик ҳаракат жипслиги учун олиб боришда курашда муҳим натижага эришилди.

Пленум Будапештдаги маслаҳат учрашуви якунларини батамом маъқуллайди, бу учрашуви коммунистик ҳаракатни ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди, пролетар интернационалини принципларини муҳасамлаштирди. КПСС Марказий Комитети Пленуми коммунистик ва ишчи партияларнинг 1968 йил ноябрь-декабрда мўлкалланган кенгашини тайёрлаш ва ўтказиш жаҳон коммунистик ҳаракати жипслиги учун курашнинг энг яқин даврдаги асосий бўғини бўлади, деб ҳисоблайди. Пленум Будапешт учрашуви ахборотида ёзиб қўйилган қелишылган позициялар асосида қардош партиялар билан яқин алоқада бўлиб, янги халқаро кенгашининг муваффақияти учун бутун куч-ғайратини сарфлашни Сийсий Бюрога топширади.

Пленум СССР делегациясининг сийсий маслаҳат комитети София кенгашидаги фаолиятини юксак баҳолайди ва маъқуллайди ҳамда шу келгашда қабул қилинган қарорларни табриклайди. «Американинг Вьетнамдаги агрессияси кенгайтирилганлиги натижасида тинчлик учун вужудга келган халф тўғрисида декларация» Америка агрессорларига қилинган янги жиддий оғоҳлантиришдир. Бу декларация социалистик мамлакатларнинг курашаётган Вьетнам билан интернационал бирдамлигини яна бир марта намоён қилди. Империалистларнинг қардош социалистик мамлакатга қилган ҳужумини қайтариш ва Вьетнамда тезроқ тинчлик ўрнатиш мамлакатларини кўлаб, бундан буён ҳам Вьетнам Демократик Республикаси, вьетнам халқига ҳар томонлама ёрдам берилмаверади.

Марказий Комитет Пленуми ядро қурулини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома хусусида Европадаги олти социалистик мамлакат қардош партиялари биргаликда ишлаб чиққан позицияни яқдиллик билан маъқуллайди. Бу шартноманинг тезроқ тузиллини дунёдаги ҳамма халқларнинг ва барча социалистик давлатларнинг хавфсизлиги мамлакатларига хизмат қилади.
Пленум Сийсий Бюросининг қардош социалистик мамлакатлар билан алоқаларини янада ривожлантириш соҳасидаги актив ва ҳар томонлама фаолиятини тўла маъқуллайди. Пленум олти социалистик мамлакат партия ва ҳу-

куматлари раҳбар арбобларининг Дрезденда бўлиб ўтган учрашуви аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Пленум социалистик ҳамдустлигини сийсий, иқтисодий ва мудофаа жаҳатдан мустаҳкамлаб бориш учун бизнинг патристик зарур бўлган ишларнинг ҳаммасини қилишга тайёр эканлигини яна бир марта билдиради.

АҚШ империализми кўлаб-қувватлаётган Исроил ҳужумрон доираларининг агрессия ҳаракатлари натижасида Яқин Шарқда жиддий аҳвол ҳали ҳам сақланиб қолганлигини таъкидлаб, Пленум Сийсий Бюро билан Совет ҳукуматининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатишга, босиб олинган араб территорияларини озод қилишга, араб мамлакатларидаги тараққиётлар ва кучларни бутун чоралар билан кўлаб-қувватлашга қаратилган тадбирларини батамом маъқуллайди.

Марказий Комитет Пленуми ГАРБий Германиядаги сийсатимиз ва милитаризмни фаш қилишга қаратилган сийсатининг тўғрилигини таъкидлайди ҳамда социалистик мамлакатларини бошқа тинчликсевар давлатларни ва империализмга қарши ҳамма кучларни ГАРБий Германия империализмига қарши курашмоқ учун жипслаштириш соҳасида КПСС ва қардош партиялар биргаликда қилаётган ишларнинг муҳимлигини таъкидлайди.

Пленум шуни қайд қиладики, тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичи капитализм билан социализм ўртасидаги идеология курашининг кескин кучайганлиги билан ҳаракатланади. Коммунизмга қарши пропагандалашнинг бутун жада катта аппарати ҳозир социалистик мамлакатлар, халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини бўшатиришга, ҳозирги замоннинг илгор кучларини пароканда қилишга, социалистик жамиятга ичкаридан пугур етказишга уришга қаратилган. Жиддий ларзаларга дуч келаётган ҳамда ички ва ташқи сийсатда катта муваффақиятсизликларга учраётган империализм ва аввал, АҚШ империализми қарбий сийсий соҳадати авантюрастар билан бир қаторда социалистик мамлакатларга, коммунистик ва бутун демократик ҳаракатга қарши кўпуровчиликдан иборат сийсий ва идеология кураши олиб боришга тобора кўпроқ сарфламоқда.

Шундай шароитда душман идеологиясига қарши мурасиз кураш олиб бориш, империализм кирдиқолади, кескин фаш қилиб ташлаш, КПСС аъзоларини ва бар-

ча меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, партиянинг бутун идеология ишларини кучайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқдаки, бу—барча партия ташкилотларининг энг муҳим бурниларидан биридир. Ўларнинг бурчи буржуа идеологиясига қарши ҳужумкор кураш олиб боришда, адибёт, санъатнинг айрим асарларида ва бошқа асарларда совет жамиятининг социалистик ушонишларга активлик билан қарши чиқишдан иборатдир. Партия ташкилотлари голий тарбиянинг барча мавзуд востла-рини ҳар бир коммуниста ва совет кишида коммунистик этиқодин, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационалини туйғуларини мустаҳкамлашга, голий матонатни ва буржуа таъсирининг ҳар қандай шакллари қаршилик кўрсата олиш маҳоратини мустаҳкамлашга қаратишлари керак.

К. Маркс туғилган кунининг 150 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик куриш идеология ишнни юксалтиришнинг, марксизм-ленинизм улуг ғолдари кенг кўлашда прапасада қилишнинг қудратли востиси бўлиб хизмат қилиши лозим.

Партия ташкилотларининг идеология фаолиятини барча меҳнаткашларнинг меҳнат ва жамоат активлигини ошириш ваифалари билан, ҳар бир совет кишининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришга, беш йиллик муваффақиятли тамомлашга амалий хисса кўшиши билан тагин ҳам мустаҳкам боғлаш зарур.

Ватанинг сийсий, иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, ўзининг ленинг партияси раҳбарлигида коммунизм ғалабаси йўлини ошаётган жамиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш партия билан бутун совет халқининг энг муҳим ваифасидир.

Марказий Комитет Пленуми, ҳозирги халқаро вазият социализм, демократия ва миллий озодлиқнинг барча кучлари бир ёқадан бош чиқариб, актив ҳаракат қилиш-ни қаттиқ талаб этмоқда, деб ҳисоблайди. КПСС бундан буён ҳам империализмга кескин зарба бериш ва жаҳон урушининг олдин олиш сийсатини, социализм мамлакатлари ҳамдустлигини мустаҳкамлаш, коммунистик ҳаракат, барча антиимпериалистик кучларини жипслаштириш сийсатини ўткази беради.

Константин Федорович КАТУШЕВ

1927 йилда туғилган, миллати рус, 1952 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли — Горький политехника институтини тамомлаган.
1951—1957 йилларда Горький автомобиль заводида конструктор, старший конструктор, етакчи конструктор, бўлим бош конструктори, ният ўринбосари бўлиб ишлаган.
1957 йилдан бери Горький шах-

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ СЕКРЕТАРИ

рида партия ишда ишлаб келади. КПСС автозавод райкомининг иккинчи секретари, Горький автомобиль заводи партия комитетининг секретари бўлган. 1963—1965 йилларда КПСС Горький шахар комитетининг биринчи секретари

бўлган. 1965 йилдан бери КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари.
СССР Олий Советининг депутаты, Иттифоқ Советининг қурилыш ва биконорлик материаллари саноати Доимий комиссиясининг раиси.

Ленин ордени билан мунофотланган.



КОСМОС БАҲОДИРЛАРИ

